


## Нақд пул муомаласи бўйича қисқача шарҳ

2024 йил январь-март ойларида умумий пул тушумлари **184 трлн.** сўмни ташкил этиб, 2023 йилнинг мос даврига нисбатан **30 фоизга** ўсган.

Умумий пул тушумларида терминал орқали тушумлар улуши 2023 йил I-чорагидаги **38 фоиздан** 2024 йил мос даврида **40 фоизга** ўсиши кузатилди. Савдо ва хизматлар соҳаси жами тушумларида терминал тушумлари салмоғи ўтган йил январь-март ойларидаги **40 фоиздан 44 фоизга** ошди.

**1-расм: Умумий пул тушумлари таркиби ва динамикаси**

трлн.сўмда




2024 йил январь-март ойиларида банклар орқали нақд пул айланмаси ҳажми **216 трлн.** сўмни ташкил этгани ҳолда, 2023 йилнинг мос даврига нисбатан **24 фоизга** ошди.

Жумладан, банкларга нақд пул тушумлари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан **24 фоизга** ўсиб, **109 трлн.** сўмни ташкил қилди.

**2-расм: Нақд пул тушумлари ҳажми ва таркиби динамикаси**


трлн.сўмда



2024 йил I-чорагида банк кассаларидан (шу жумладан, банкоматлардан) берилган нақд пуллар 2023 йил I-чорагига нисбатан **24 фоизга** қўпайди ва **107 трлн.** сўмни ташкил этди.

### 3-расм: Банклардан нақд пулдаги чиқимлар ҳажми ва уларнинг мақсадлари бўйича таркибий динамикаси

трлн.сўмда




2024 йил январь-март ойларида банк карталарига **212 трлн.** сўм маблағлар кирим қилинган. Бу қўрсаткич 2023 йил мос даврига нисбатан **1,3 баробарга** ошди. 2024 йил I-чорагида банк карталаридаги **48 трлн.** сўм маблағлар нақдлаштириб олинган.

2023 йил январь-март ойларида банк карталарга келиб тушган маблағларнинг **24 фоизи** нақдлаштириб олинган бўлса (2022 йил январь-март ойларида 28 фоизни), бу қўрсаткич 2024 йилда **23 фоизни** ташкил этди.

#### 4-расм: Банк карталарига келиб тушган маблағлар ва уларни нақдлаштириш ҳажмлари динамикаси

трлн.сўмда



Жорий йилнинг 3 ойи мобайнида муомалага чиқарилган нақд пуллар ҳажми **3,0 трлн.** сўмга камайиши кузатилди. 2024 йил 1 апрель ҳолатига нақд пулларнинг умумий пул массасидаги улуши **20,1 фоиз**ни ташкил қилиб ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **2,2 фоиз** бандга пасайди.

#### 5-расм. Муомаладаги нақд пулларнинг пул массасидаги улуши динамикаси

